

08 09 2022 йил

Тошкент шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган *Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш Маркази* номидан *Устав* асосида иш кўрувчи раҳбари *Н.Алиханова* бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган МЧЖ «BEAUTIFUL WORK INVEST» номидан *Устав* асосида иш кўрувчи *О.С.Хасанов* иккинчи томондан «Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси 2-уй манзилидаги Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш марказининг мажлислар залини жорий таъмирлаш» га доир мазкур пудрат шартномани тuzдилар.

I. Тарифлар

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

таъмирлаш майдони – мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган бино. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

II. Шартнома предмети.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси 2-уй манзилидаги Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш марказининг мажлислар залини жорий таъмирлаш» лойихада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда таъмирлаш бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори 2022 йил « 08 » сентябрдаги № 1-сон баённома билан объектнинг таъмирлаш қиймати қўшимча қиймат солиғи (КҚС) билан 359 401 160 (Уч юз эллик тўққиз миллион тўрт юз бир минг бир юз олти миш) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-Таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг таъмирлаш бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.4.Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан бажариллиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмирлаш учун объект ва таъмирлаш ишлари тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажариллиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига умумий шартнома суммадан бунақ (аванс) ўтказиб берилади.

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

6.1. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-

китоб килинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш ва топшириш вақти шартнома имзоланиб аванс тулов тушган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6.5. Махкур шартнома бўйича ишлар пудратчи томонидан

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг олдиндан 30 фоизи миқдорида бунақ ўтказилади, бу **107 820 348 (Бир юз етти миллион саккиз юз йигирма минг уч юз қирк саккиз сўм)**ни ташкил этади.

7.2. Пудратчи томонидан иншоотда ойма-ой бажарилган таъмирлаш ишларини жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос бўлади.

7.3. Объект қийматининг 5 (беш) фоизи миқдори тўлови шартномадаги ишлар тўлиқ бажарилиб натижаси харажатлар ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат ўтгач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан иншоотнинг ҚМИлари бўйича эътирозлар йўқлиги тўғрисидаги уч томонлама далолатнома тўлиқ имзолангандан кейин амалга оширилади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.2. Таъмирлаш объектида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.3. Буюртмачи таъмирлаш объектини топшириб бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда таъмирлаш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш

8.4. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашга қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.5. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва таъмирлаш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир

- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлаш тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

- Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш ишлари тугаллангунгача Буюртмачи томонидан материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бундай ҳолатда ишни таъсир этган вақтига томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

XI. Таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш

11.1. Таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **15** кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда таъмирлаш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12** ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

- Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади;

- Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборди.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортлади.

14.2. Мазкур шартнома тегишли иловаларида кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5** фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50,0** фоизидан ошмаслиги лозим;

- Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **0,5** фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Бош пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50,0** фоизидан ошмаслиги лозим;

- Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун бош пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб

юборилган хар бир кун учун курилиш нормаларига мос равишда бажарилмаганлиги учун бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси курилиш нормаларига риоя этилмаган ҳолда бажарилган ишлар қийматининг 50,0 фоизидан ошмаслиги керак;

- пеня тулаш пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

14.5. Агар бажарилган курилиш-монтаж ишлари лойиха талабларига, белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик булмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитекткурулишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида, объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек бош пудратчидан курилиш нормаларига риоя қилинмаган ҳолда бажарилмаган яъни зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20,0 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган жарима билан копланмаган зарарни коплайди.

14.7. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.3. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.4. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи

Пудратчи таъмирлаш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.6. Мазкур шартномага томонлардан бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо қўйилгандан сўнг ва Ғазналик бўлинимасидан рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний ҳисобланади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

16.8. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амалда бўлади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини
қўллаб-қувватлаш ва жисмоний
фаоллигини ошириш Маркази

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор
тумани, Шифокорлар кўчаси 2-уй
Тел./факс: (+998 78) 147-04-44
шҒХ: 100010860262807076909054002

СТИР: 306 250 380

ОКЭД: 86900

Молия вазирлиги ғазначилиги

ЯҒХ: 2340 2000 3001 0000 1010


Банк номи: Марказий банкнинг

Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Ғазначилик бўлинимасинин

СТИР: 201 122 919

Директор  Н.Алиханова



Пудратчи

«ООО «BEAUTIFUL WORK
INVEST»

Манзил: Тошкент ш. Юнусобод тум.
18/40А/18

Тел: +998 99-548-33-81

X/P 2020 8000 4051 5216 3001

Банк: Давр Банк Олмазор фил

МФО: 01121

ИНН: 306 933 511

ОКОНХ 95120

ОКЭД: 43990

Код ККС: 326120167097

(Имзо)

Директор

М.Ў.

 О.С.Хасанов



Хуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юристконсульт 

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Аҳолининг соғлом турмуш
тарзини қўллаб-қувватлаш ва
жисмоний фаоллигини ошириш

маркази директори
Н.М.Алиханова



08.09.2022 йил

Тошкент шаҳри

Савдо танлов конкурс

БАЁННОМАСИ № 1.

Кун тартиби: “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази биноси ремонтни” бўйича танлов якунлари ҳақида.

Комиссия раиси: марказ директори Н.М.Алиханова

Комиссия котиби: директор ўринбосари Ф.А.Тахирова

Аъзолар:

Шифокор услубчи Ш.Ў.Шукуров

Хўжалик ишлари бўйича ходим Ф.М.Жўраев

Шифокор услубчи С.К.Муллаева

Бош бухгалтер: Д.А.Пирматова

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси сўзга чиқиб, “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази биноси ремонтни” бўйича танлов 2022 йил 25 август куни Давлат харидлари тўғрисидаги конунга асосан ЎзРТХБ (dxarid.uzex.uz) сайтга жойлаштирилди. 2022 йил 5 сентябр куни танлов якунланди. 143333 рақамли ЛОТ танлови бўйича 3 нафар ташкилотдан, яъни таклифлар олинган. 3 нафар ташкилотларнинг юборган таклифларидаги нархлар қўйидагича эканлигини таъкидлаб ўтди.

№	Номи	Ўлчов бирлиги	BEAUTIFUL WORK INVEST MCHJ	SOF TA'MIR LYUKS MCHJ	ЧП BULUNG'UR AHMAD QODIR
1	“Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази биноси ремонтни”	сўм	359 401 160.00	Ўтмади	361 000 000.00

Шундан сўнг комиссия аъзолари 3 нафар ташкилотдан тижорат таклифлари олинганлигини, “BEAUTIFUL WORK INVEST” МЧЖ ва “BULUNG'UR AHMAD QODIR” ХКларнинг ремонт бўйича барган нархлари орасида “BEAUTIFUL WORK INVEST” МЧЖнинг тижорат таклифи

баҳолаш мезонлари асосида ғолибликка давогар эканлигини таъкидлаб ўтишди. Берилган маълумотларга асосан таҳрир ҳайат аъзолари берилган таклифларни ўрганиб чиқиб марказ комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “BEAUTIFUL WORK INVEST” МЧЖнинг юборган таклифи марказ комиссия аъзолари томонидан бир овоздан маъқул келганлигини инобатга олиб, икки томонлама шартнома тузилсин.
2. Тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши амалга оширилсин.

Марказ директори



Н.М.Алиханова

Директор ўринбосари



Ф.А.Тахирова

Шифокор услубчи



Ш.Ў.Шукуров

Хўжалик ишлари бўйича ходим



Ф.М.Жўраев

Шифокор услубчи



С.К.Муллаева

Бош бухгалтер



Д.А.Пирматова



СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица (субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании:

Общество с ограниченной ответственностью "BEAUTIFUL WORK INVEST"

(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

ООО "BEAUTIFUL WORK INVEST"

(Сокращенное наименование юридического лица)

10.12.2019

(Число, месяц (прописью), год).

За регистрационным номером: 789578

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН): 306933511

Организационно-правовая форма:

Общество с ограниченной ответственностью

Местонахождение:

город Ташкент, Юнусабадский район, 18 MAVZE 40A-UY, 18-XONADON,

Свидетельство выдано:

город Ташкент, Юнусабадский район. ЦЕНТР ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

(Полное наименование регистрирующего органа).



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини
қўллаб-қувватлаш ва жисмоний
фаоллигини ошириш Маркази
директори харид комиссияси раиси
Н.А.Лиханова



2022 йил

2022 йилда Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш Маркази буюртмачилигида жорий таъмирлаш объектлари учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» электрон харидлари бўйича «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» электрон харидини ташкил этиш ва ўтказиш орқали танлаш бўйича

«ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ» КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонунининг талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.
- 1.2. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссияси коллегиял орган ва Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг асосий қатнашчиси («Энг яхши таклифларни танлаб олиш» электрон савдоларини ўтказиш жараёнининг доимий ёки вақтинчалик органи) ҳисобланиб, буюртмачи томонидан ташкил этилиб, қарор ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, «Энг яхши таклифларни танлаб олиш»ни ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.
- 1.3. Мазкур харид комиссияси мактаб директорининг буйруғи билан тасдиқланган.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- 2.1. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссиясининг дастлабки йиғилиши Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:
 - «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» ва қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, таклифни жойлаш шартлари ва талабларини;
 - Таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
 - «Энг яхши таклифларни танлаб олиш»да қатнашишга буюртманомаларини таъминлаш шаклини;
 - Таклифни қабул қилишнинг муддатини, таклифларни кўриб чиқиш муддатини (бунда махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кам бўлмаслиги шарт).
- 2.2. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-иловада келтирилган.
- 2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб, ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.
- 2.4. Харид комиссияси қайси бир «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» қатнашчисига устунлик берувчи «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссияси барча объектларни «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофик таклифларни ўрганеди, текширади ва кўриб чиқади, «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

2.6. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссиясининг ҳар бир объект бўйича комиссия раиси ва иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан электрон имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

III. МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ҳамда уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» ҳужжатларининг молиявий таклифлари инobatга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссияси қатнашчиларнинг малака кўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алоҳида, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади.

3.7. Агар қатнашчиларнинг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, харид комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йул қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичларга ўтиши учун «Энг яхши таклифларни танлаб олиш» иштирокчиси камида 60 балл ва ундан юқори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари, “Ҳа”, “Йўқ” ёки “Бетараф” овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

Буюртмачи

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси, 2

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги

Ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010

ОКЭД: 86900

Ш/Ҳ рақами: 1000 1086 0262 8070 7690 9054 002

ИНН: 306 250 380 МФО: 00901

МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Директор: _____  Н.Алиханова

«ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ»
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ
 (Техник баҳолаш)

№	Иштирокчи ташкилотлар учун қўйилган талаблар	Балл
1	Иштирокчи ташкилотнинг Қурилиш Вазирлиги томонидан соҳавий қурилиш пудрат ташкилотларига берган рейтинг кўрсаткичи ҳақида маълумот. (<i>Рейтинг кўрсаткичига кўра баҳоланади</i>)	0 дан 15 гача
2	Иштирокчи ташкилотнинг салоҳияти ва охириги уч йилдаги молиявий натижалари тўғрисида маълумот. (<i>Тасдиқланган ҳисоботлари илова қилиниши керак</i>)	0 дан 10 гача
3	Иштирокчи ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида солиқдан қарзи йўқлиги ҳақида маълумот ҳамда ҳисоб рақамида картотека-2 йўқлиги ва 20%ли айланма маблағи тўғрисида банкдан маълумот. (<i>20% ли айланма маблағи миқдори ушбу танлов бошланғич нархидан кам бўлмаслиги керак. Солиқ ва банкдан олинган маълумотномалар санаси танлов эълонга берилган санадан бошлаб олинган бўлиши керак</i>)	0 дан 15 гача
4	Иштирокчи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар ҳамда инсофсиз ижрочилар ягона реестрида йўқлиги ҳақида ва банкротлик ҳолатида эмаслиги, тузилган шартномаларга асосан арбитраж судларида иштироки йўқлиги ва тўловга қобилиятлилиги ҳақида маълумот. (<i>Иштирокчи ташкилотнинг фаолият муддати ҳисобга олиб баҳоланади. Тўловга қобилиятлилиги ҳамда судларда иштироки йўқлиги ҳақидаги маълумотнома тегишли ташкилотдан олинган бўлиши керак</i>)	0 дан 15 гача
5	Иштирокчи ташкилотнинг охириги 3 йиллик бажарган ишлари ҳақида маълумот. (<i>Асословчи ҳужжатлари илова қилиниши керак</i>)	0 дан 10 гача
6	Иштирокчи ташкилот томонидан ишларни бажариш муддатига ва сифатли қурилиш материаллардан фойдаланишга кафолат хати ҳамда техник воситалари ҳақида маълумот. (<i>Ишларни бажариш жамланма жадвали тасдиқланиб, илова қилиниши ҳамда техник воситалар ҳужжатлари ва ижарага олинган бўлса, ижара шартномаси ҳам илова қилиниши керак</i>)	0 дан 10 гача
7	Иштирокчи ташкилотнинг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва малакали ишчи-ходимлари ҳақида маълумот. (<i>Иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар маълумоти 2021 йил якуни бўйича ДСИ томонидан тасдиқланган бўлиши ва ишчи-ходимлар ҳақидаги маълумотлар “mehnat.uz” сайтидан олинган бўлиши керак. Олий маълумотли ходимлари сони ва иш стажларига қараб ҳам баҳоланади</i>)	0 дан 15 гача
8	Иштирокчи ташкилотнинг қурилиш таъмирлаш майдонини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот ва бажариладиган ишларга ишланган офёрта. (<i>Қурилиш таъмирлаш майдонини кўздан кечирганлиги тўғрисидаги маълумот буюртмачи ташкилот ваколатли вакили томонидан тасдиқланган ва чизмалари, фотосуратлари илова қилинган ҳамда бажариладиган ишларга ишланган офёрта ҳам иштирокчи ташкилот томонидан тасдиқланган бўлиши керак</i>)	0 дан 10 гача

Изоҳ: Ҳужжатлар (Маълумотлар) “Энг яхши таклифларни танлаб олиш” иштирокчиси томонидан асл нусхаларидан сканер (PDF-кўринишида) қилиниб тақдим этилиши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ таклифларни тақдим этган “Энг яхши таклифларни танлаб олиш” иштирокчиси ахборотларининг ишончилиги ва ҳақиқийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Раис: марказ директор – Н.Алиханова _____

Аъзолари:

Марказ директор ўринбосари – Ф.Тахирова _____

Бўлим бошлиғи С.Муллаева _____

Бош ҳисобчи Д.Пирматова _____

Шифокор-услугачи Ш.Шукуров _____

Хўжалик мудирани Ф.Джураев _____